

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 06.01.2018. Tar. 56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ОДИЛОВ БОБИР АХМАДЖОН ЎҒЛИ

**ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХІ АСР БОШЛАРИ
ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ
АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ**

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Одилов Бобир Ахмаджон ўғли

XIX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари тадқиқотларида

ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги масалалари 3

Одилов Бобир Ахмаджон угли

Традиционное хозяйство узбекского народа

в исследованиях второй половины XIX–начала XXI века 25

Odilov Bobir Akhmadjon ugli

The issues of the traditional activity of the uzbek people

in the researches in the second half of the XIX–beginning of the XXI century 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 06.01.2018. Tar. 56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ОДИЛОВ БОБИР АХМАДЖОН ЎҒЛИ

**ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХІ АСР БОШЛАРИ
ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ
АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ**

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида **B2019.4.PhD/Tar217** рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzhistory.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дониёров Алишер Худайбердиевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор

Бўриев Очил
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06.01.2018. Tar.56.01–рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «10» январь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. ЎзР ФА Тарих институти 2-қават. Мажлислар зали). Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (+99871) 233-39-91) E-mail: info@uzhistory.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фундаментал кутубхонасида танишиш мумкин (_____рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2019 йил «_____»_____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__»_____даги _____рақамли реестр баённомаси билан).

А. С. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

М. Х. Пайзиёва

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

С. Б. Шадманова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг жадаллашуви халқларнинг хўжалик юритиш маданиятида интеграциялашув жараёнини тезлаштирмакда. Бугунги кунда инсониятнинг ҳаёт таъминотини яратиш йўлида ер, сув ва умуман табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжини ортиб бориши ишлаб чиқаришнинг интенсив ва самарали тизимини ривожлантириш, экология ва биохилма-хилликни сақлаб қолиш, турли халқлар ва минтақаларга хос бўлган хўжалик тажрибалари ва анъаналарини ўрганиш масалалари нақадар долзарб эканлигини кўрсатмакда.

Дунё халқларининг ўзига хос хўжалик-маданий анъаналарини этнологик ва этносоциологик ўрганиш, уларнинг турли тарихий-маданий минтақаларни боғловчи этноинтеграцион функциясини ёритиш, миллий, маданий ва локал-минтақавий хусусиятларини аниқлаш жаҳондаги етакчи илмий марказларда тадқиқ этилаётган долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади¹. Ижтимоий модернизация жараёнлари иқтисодий муносабатлар тизимида хўжалик ҳаётининг ривожланиш тенденциялари, анъанавий хўжалик турларининг трансформацияси ва уларнинг тараққиёт динамикасини тарихшунослик аспектида тадқиқ этиш заруриятини юзага келтирди.

Ўзбекистонда эркин бозор муносабатларини янада ривожлантириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кенг мулкдорлар қатламининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш² каби масалалар долзарб вазифа этиб белгиланди. Ўзбекистонда аграр муносабатлар ва анъанавий хўжалик масалалари борасида тарих синовларидан ўтган халқ амалий тажрибаларини ўрганиш тарих, этнология, археология каби ижтимоий фан тармоқларининг асосий устувор илмий йўналишларини ташкил этди. Бу каби хўжалик масалалари доирасида олиб борилган тадқиқотлар асосида тарихий билимларнинг ривожланиш динамикасини турли тарихий даврлар контекстида кўрсатиб бериш нафақат илмий, айти пайтда амалий жиҳатдан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сонли “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сонли “Ху-

¹ Марказий Евроосиё тадқиқотлар жамияти (Central Eurasian Studies Society - CESS), Ислом тарихи, санъати ва маданияти тадқиқот маркази (Research Centre For Islamic History, Art and Culture – IRCICA), Марказий Осиё тадқиқотлари бўйича Европа жамияти (European Society for Central Asian Studies - ESCAS), Халқаро Осиё тадқиқотлар институти (The International Institute for Asian Studies – IIAS).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сонли “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги Фармони.

нармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонлари ҳамда 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ- 4021-сонли “Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси иштирокидаги “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белги-ланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва техно-логияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакл-лантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқларнинг турмуш тарзи, хўжалик ҳаётини ўрганиш доимо илмий-амалий аҳамиятга молик масала ҳи-собланган. Ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги тарихшунослигини тадқиқ этишда мавжуд адабиётлар хусусиятидан келиб чиқиб, уларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш кўрсатиш мумкин: 1) муаммо доирасида бажа-рилган махсус тарихшунослик ишлари; 2) бевосита анъанавий хўжалик маса-лаларини ёритиш жараёнида унинг тарихшунослик таҳлилларига ҳам эъти-бор қаратилган тадқиқотлар; 3) ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги ўрга-нилган хорижий тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳ тадқиқотларига махсус тарихшунослик ишлари жалб этилган бўлиб, уларда муаммонинг назарий-методологик жиҳатлари акс эт-ган. Қолаверса, ушбу гуруҳ тадқиқотлари халқимизнинг хўжалик маданияти тарихшунослигига билвосита алоқадорлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, Б. Лунин, Д. Алимова, К. Иноятов, А. Дониёров, Ю. Мамазоитоваларнинг илмий изланишлари шулар жумласидандир³. Ушбу изланишларда анъанавий хўжалик, халқ хўжалиги ва аграр муносабатлар, қишлоқ хўжалигининг ри-

³ Лунин Б. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане: Туркестанский кружок любителей археологии (1895–1917 гг.). – Ташкент, 1958 – 322 с.; Ўша муаллиф. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность: конец XIX – начало XX в. – Ташкент, 1962. – 344 с.; Ўша муаллиф. Материалы к историографии истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана конца XVIII – начала XX вв. / Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана: Сборник статей. – М., 1975. – С. 22–41; Ўша муаллиф. Начальный этап этнографических исследований в Узбекистане (20–е годы XX века) // Общественные науки Узбекистана (кейинги ўринларда-ОНУ). – 1985. – №11. – С. 63–71; Ўша муаллиф. Этнографические исследования в Узбекистане в 30–40-х годах // ОНУ. – 1986. – № 11. – С. 49–55; Ўша муаллиф. 20-30-йилларда Ўзбекистонда этнография масалаларининг ўрганилиши / XX асрнинг ўттизинчи йилларида Ўзбекистонда тарих фани (Тарихшунослик очерклари). 2-қисм. – Тошкент, 1994. – Б. 309–327; Алимова Д.А. К вопросу о взаимодействии кочевой и оседлой культур народов Центральной Азии: историографический аспект. / История как история, история как наука. – Ташкент: Узбекистан, 2008. – С. 80–94; Иноятов К. Х. Историографические исследования в Узбекистане: итоги, проблемы, перспективы (1961–1980). Дис...докт. истор. наук. – Ташкент, 1994; Дониёров А. Этнографические исследования в Узбекистане в XX веке: основные этапы, проблемы, перспективы развития: Дис. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 2003; Ўша муаллиф. Ўзбекистон этнографияси тарихидан айрим лавҳалар (XX асрнинг 20–80-йиллари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.– 80 б.; Мамазоитова Ю. Х. Сельское хозяйство Узбекистана в отечественной исторической литературе (от завоевания Средней Азии до обретения независимости): Автореф. Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995.

вожланиш тенденцияларига бағишланган кенг кўламдаги тадқиқотларнинг тарихшунослик таҳлилига эътибор қаратилган.

Иккинчи гуруҳга тегишли бўлган тарихий, этнографик ва этнологик ишларда хўжалик анъаналари ёки уларнинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилиши билан бир қаторда, муаммонинг тарихшунослигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, М. Сазонова, У. Абдуллаев, А. Аширов, Ф. Рахмонов, З. Исоқов, С. Давлатоваларнинг ўзбек халқи дехқончилиги, чорвачилиги ва ҳунармандчилиги анъаналари тарихига бағишланган тадқиқотларида⁴ муаллифлар ўз мавзулари доирасида ўрганилганлик даражасини ҳам ёритадилар.

Учинчи гуруҳга хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар киритилган бўлиб, гарчи улар тарихшунослик ишлари бўлмаса-да, ўзбек халқи хўжалик анъаналарининг минтақавий ва муаммовий-мавзувий жиҳатдан ёритилганлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, С. Абашин, Н. Крадин, Акиро Уэдо, А. Куришов, В. Побережниковларнинг⁵ тадқиқот натижаларини шулар жумласига киритиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Тошкент давлат шарқшунослик институтининг “Марказий Осиё халқлари тарихи, тарихшунослиги ва тарихий манбашунослиги” номли устувор илмий тадқиқот йўналишлари режаси билан бевосита боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади XIX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларида яратилган тарихий-этнографик, этнологик ва археологик тадқиқотларнинг яхлит тарихшунослик таҳлили асосида ўзбек халқи анъанавий хўжалик маданиятига доир илмий-тарихий тафаккурнинг ривожланиш динамикасини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида яратилган археологик, этнографик тадқиқотлар ва даврий нашрларда анъанавий хўжалик масалаларининг ёритилиш динамикасини турли тарихий даврлар контекстида

⁴ Сазонова М. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – Л., 1978. – 95 с.; Абдуллаев У. С. Фаргона водийсида этнослараро жараёнлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005 – 215 б.; Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, 2007. – 275 б.; Рахмонов Ф. Обычаи и обряды населения Кашкадарьинского оазиса связанные с земледелием (конец XIX – начало XX вв.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2002; Исоқов З. С. Характерные особенности традиционного земледельческого хозяйства Ферганской долины в конце XIX – начале XX века: Автореф. Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2011; Ўша муаллиф. Фаргона водийси анъанавий дехқончилик маданияти. – Тошкент, 2011. – 144 б.; Давлатова С. Т. Мустамлакачилик даврида Туркистонда ҳунармандчилик: анъана ва ривожланиш муаммолари. // O‘zbekiston tarixi. – 2013. – №1. – Б. 12–22; Ўша муаллиф. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги муаммосининг XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи ярмига оид тадқиқотларда ёритилиши // ЎЗМУ хабарлари. – 2014. – №1. – Б. 16–21; Ўша муаллиф. Ўзбек миллий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида (Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида). – Тошкент: Yangi nashr, 2017. – 432 б.

⁵ Абашин С. Социальные взаимоотношения в современном узбекском кишлаке: по материалам Ферганской долины. Автореф. дисс... канд. ист. наук. – М., 1997; Ўша муаллиф. Этнографическое знание и национальное строительство в Средней Азии: проблема сартов в XIX – начала XXI в: Автореф. дис.... докт. ист. наук. – М.: 2008; Крадин Н. Кочевники Евразии Казахстан. – Алматы, 2007. – С. 357; Akira Ueda. How did the Nomads ct during the 1916 Revoltin Russian Turkistan? // Journal of Asian Network for GIS-based Historical Studies Vol.1 (Nov. 2013) 33–44; Курышов А. М. Традиционное хозяйство в научно-историческом дискурсе// Иркутский историко-экономический ежегодник. 2019. –С.451 –458.; Побережников В. И. Переход от традиционного к индустриальному обществу: теоретико-методологические проблемы модернизации. –М.: РОССПЭН, 2006. – 240 с.

кўрсатиб бериш;

Ўзбек халқи турмуш тарзи, хўжалик маданиятининг тарихий илдизлари акс этган археологик тадқиқотларни тарихшунослик жиҳатдан таҳлил қилиш;

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида хўжалик масалалари ёритилган тадқиқотларнинг кўлами, йўналишлари ва хусусиятларини ёритиб бериш;

совет даврида яратилган этнографик ва археологик тадқиқотларда аграр муносабатлардаги ўзгаришлар, аҳолининг анъанавий хўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик соҳаларининг ўрганилганлик даражасини таҳлил этиш;

мустақиллик йилларида ўзбек халқи хўжалик-маданий анъаналари тарихи ва замонавий жараёнларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг тарихшунослик таҳлилини бериш;

хўжалик масалаларини ўрганиш истиқболлари борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XIX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида яратилган ўзбек халқи анъанавий хўжалиги акс этган тарихий-этнографик, этнологик ва археологик тадқиқотлар белгилаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек халқи анъанавий хўжалиги тарихига доир катта ҳажмдаги тадқиқотларнинг тарихшунослик таҳлили ва илмий билимларнинг ривожланиш динамикасини ёритиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ва функционал таҳлил, статистик қиёслаш, фанлараро ёндашув, анализ, синтез, муаммовий-хронологик таҳлил ва объективлик каби илмий тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XIX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларида ўзбек халқининг анъанавий хўжалигига оид тарихий тафаккурнинг шаклланиши, турли ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таъсири натижасида тадқиқотларнинг сифат, услуб ва хусусиятларининг ўзгариши, вужудга келган илмий ғоялар ва йўналишларнинг тадрижий ривожланиб борганлиги аниқланган;

собиқ Россия империяси даврида ўлкада хўжалик муносабатларига доир илмий изланишларнинг туб мақсади суғорма деҳқончиликнинг самарадорлиги ва истиқболларини ўрганишга, ҳукмрон доираларнинг пахтачилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик соҳаларига капитал киритишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан узвий боғлиқлиги илмий билимларнинг ривожланиш жараёнлари контекстида очиб берилган;

собиқ совет даврида жамоалаштириш, саноатлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши, анъанавий иқтисодий тизимнинг инкор этилишига қарамасдан халқларнинг хўжалик-маданий анъаналари, суғорма деҳқончиликнинг тарихий илдизлари, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиш тенденциялари тарихий-этнографик, археологик тадқиқотларнинг муҳим илмий йўналишлари сифатида ривожланганлиги очиб берилган;

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тўпланган тарихий билимлар, жумладан, хўжалик масалаларига доир тарихий-этнографик, этнологик, этно-

социологик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари аниқланиб, ўзбек халқининг хўжалик-маданий анъаналари ва у билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари, табиатни, ер ва сувни эъзозлашга доир қарашлар ривожланганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тарих ва тарихшунослик фанида ўзбек халқининг хўжалик анъаналарини ўрганилиш масалалари таҳлилида фойдаланиш мумкин бўлган назарий-услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

XIX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларида яратилган археологик, этнографик адабиётлар, даврий нашрларда эълон қилинган мақолалар, илмий ҳисоботларда акс этган материаллар аниқланиб, тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинди ва илмий истеъмолга киритилди. Шунингдек, уларнинг библиографик кўрсаткичи тузилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация тарихшунослик тадқиқотларининг методологияси ва усуллари асосида бажарилганлиги, соҳага доир 300дан ортиқ адабиётлардан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек халқининг хўжалик-маданий анъаналари мавзусини истиқболда ўрганишда, долзарб мавзу йўналишларини аниқлашда, жамланган илмий материаллар, уларнинг тавсифи, таҳлилини амалга ошириш ва туркумлашда қўлланиладиган методологик-услубий ёндашувларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда назарий хулосаларни мукамаллаштиришда йўналтирувчи восита вазифасини бажариши билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда моддий ва маънавий мерос тарихини ўрганиш, давлат ҳамда ўлкашунослик музейларидаги мавжуд экспозицияларни бойитиш, сайёҳлик хизматини янада ривожлантиришга бағишланган давлат дастурлари бажарилишини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари тадқиқотларида ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги масалалари бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

XIX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларида ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги ёритилган адабиётларда тарихий тафаккурнинг шаклланиши ва ривожланишига оид илмий натижа ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 19 апрелдаги 128-сонли буйруғига асосан нашрга тайёрланган “Марказий Осиё халқлари тарихи тарихшунослиги ва манбашунослиги” номли китобининг “Марказий Осиё халқлари этногенези ва этник тарихи тарихшунослиги”, “Чор Россиясининг мустамлакачилиги даврида Туркистон халқлари тарихи тарихшунослиги”, “Марказий Осиё халқлари XX аср тарихи тарихшунослиги масалалари” параграфларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 сентябрдаги 89-03-3274-сон маълумотномаси). Бу ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи та-

рихшунослиги масалаларини талабаларга янада кенгроқ етказиб беришга хизмат қилган;

Ўзбек халқининг хўжалик-маданий анъаналари, суғорма деҳқончилигининг тарихий илдизлари, деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликнинг ривожланиш тенденцияларига оид илмий ғоялари ва хулосаларидан Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг “Тарих” мавзуидаги экспозицион режаларини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 24 сентябрдаги 01-12-10-4807-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши муаммога доир экспонатларни хўжалик турлари кесимида жойлаштиришга кўмак берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, ОАКнинг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, апробацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига оид тадқиқотларда анъанавий хўжалик масалаларининг акс этиши”** деб номланган биринчи бобида минтақа халқларининг анъанавий хўжалик масалалари ёритилган тадқиқот ва адабиётлар таҳлил қилинган.

Бу даврда яратилган адабиётларни ўлка халқларининг хўжалик анъаналарини ёритиш мазмунига кўра қуйидаги туркумларга бўлиш мумкин: 1) Туркистон халқлари турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик муносабатлари ўрганилган асарлар; 2) деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик масалалари ёритилган тадқиқотлар.

1. Туркистон ўлкасининг ўзига хослигини ўрганиш мақсадида минтақа ҳудудига келган тадқиқотчилар сиёсий, ҳарбий миссияларини бажариш билан бир қаторда, ўлка халқларининг этник таркиби, турмуш тарзи ва савдо муносабатларига ҳам қизиққанлар. Хусусан, А. Хорошхин, А. Гребенкин,

В. Наливкин, Н. Маев, Н. Покотило, Д. Логофет⁶ каби тадқиқотчилар турли масалаларни ўрганиш билан бирга, минтақа халқларининг хўжалик машғулоти ҳақида ҳам муҳим маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

Муаллифлар ўз мақола ва асарларида минтақа халқларининг деҳқончилик, чорвачилик, суғориш тизими, меҳнат қуроллари, ярим ўтроқ ва ўтроқ аҳоли ҳаёти, уларнинг ўзига хослиги, солиқ ва вақф мулкларининг аҳволи ҳақидаги маълумотларни тақдим қилганлар.

Россия империяси даврида Туркистон ўлкасида олиб борилган археологик изланишлар хўжалик масалаларини ўрганишдаги дастлабки уринишлар бўлди. Хусусан, рус археология жамияти ва Туркистон хаваскор археологлар тўғараги⁷ доирасида фаолият олиб борган Е. Смирнов, А. Кун, Н. Дингельштедт, М. Ликошин, П. Скварский, М. Вирский каби тадқиқотчиларнинг⁸ ишларида деҳқончилик ва хунармандчилик хўжалигига оид маълумотлар акс этган. Таъкидлаш ўринлики, бу даврда тўлақонли археологик қизиқ ишлари олиб борилмаган ёки археология соҳасида фундаментал тадқиқотлар вужудга келмаган бўлса-да, улар истиқболдаги изланишларни ташкил этишда таянч вазифасини ўтади.

⁶ Хорошхин А. Историко-этнографические этюды. Народы Средней Азии // Туркестанские ведомости (кейинги ўринларда – ТВ.) – 1871. – №1; Ўша муаллиф. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – 532 с.; Гребенкин А. Д. Узбеки // Русский Туркестан. Сборник изданный по поводу политехнической выставки. – Вып. 2. – М., 1872. – С. 105–106; Ўша муаллиф. Родословная Мангитской Династии / Материалы для статистики Туркестанского края (кейинги ўринларда – МСТК). – Ташкент; 1874. – Вып. 3. – С. 340–376; Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – 606 с.; Наливкин В. Очерки земледелия в Наманганском уезде // ТВ. – 1880. – №28; Ўша муаллиф. Торговля пригонными баранами в Наманганском уезде // ТВ. – 1880. – №49; Ўша муаллиф. Киргизы Наманганского уезда. / ТВ. – 1881. – №20; Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщин туземного оседлого населения Ферганской долины. – Казань, 1886 – 245 с.; Ўша муаллиф. Положение вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания // Ежегодник Ферганской области. Т. III. – Новый Маргелан, 1904. – С. 11–15; Наливкин В. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент, 1913. – С. 178–210; Ўша муаллиф. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. – С. 120–131; Маев Н. Географический очерк Гиссарского края / Материалы для статистики Туркестанского края (кейинги ўринларда – МСТК). – Вып. 5. – СПб., 1879. – 231 с.; Ўша муаллиф. Очерки Гиссарского края // ТВ. – 1876. – №4. – 168 с.; Ўша муаллиф. Географический очерк Гиссарского края и Кулябского бекства // Известия ИРГО. Т. XII. Вып. 4. Отд. 2. Географические известия. – СПб., 1877. – С. 349–363; Ўша муаллиф. Очерки горных бекств Бухарского ханства. // МСТК. – СПб., 1879. Вып. 5. – С. 212–249; Покотило Н. Путешествие в центральную и восточную Бухару в 1886 г // Записки Русского географического общества (Кейинги ўринларда – ЗРГО). – СПб., 1889. – С. 480–502; Логофет Д. Бухарское ханство под русским протекторатом. – СПб., 1911., Т. 1. – 340 с.; Ўша муаллиф. В горах и на равнинах Бухары (очерки Средней Азии) / – СПб. : Изд. В. Березовского, 1913. – VII, 619 с.

⁷ 1880 йилларда минтақада археологик изланишлар олиб бораётган олимлар “Туркистон хаваскор археологлар тўғараги”ни ташкил этиш ишларини бошлаб юборди. 1895 йилга келиб тўғарак Низоми тасдиқланди ва тўғарак фаолияти юзасидан турли тадбирлар уюштирила бошланди. Тўғаракни ташкил қилиш ва унга раҳбарлик қилиш ишларида Н. Остроумовнинг хизмати каттадир. Тўғарак ишида маҳаллий хаваскорлардан Акрам Асқаров, Мирза Бухарин, Мирза Абдулин қабилар фаол қатнашган.

⁸ Смирнов Е. Археологические находки близ Ташкента / ТВ. – 1886. – №17. Т. 459. – С. 48–50; Кун А. Бухарские порядки. Заметки о порядке взимания поземельных податей // ТВ. – 1873. – №32; Кун А. Очерки Шахрисябзского бекства // ЗРГО. Т. VI. – СПб., 1880 – С. 73–262; Дингельштедт Н. Изучение ирригации Туркестанского края Сыр-Даринская область. – СПб., 1893 – 267 с.; Лыкошин М. Очерк археологических изысканий в Туркестанском крае до учреждения Туркестанского кружка любителей археологии / Среднеазиатский Вестник. – 1896. Т. 466. – С. 175–204; Т. 522. – С. 1–17; Т. 523. – С. 1–13; Скварский П. Несколько слов о древностях Шахристана // Среднеазиатский Вестник. – 1896. – №10. Т. 523. – С. 78–80; Вирский М. Древние курганы Самаркандской области // Справочная книжка Самаркандская область (Кейинги ўринларда – СКПС). – 1897. Вып. I. Т. 526. – С. 112–113; Лунин Б. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане: Туркестанский кружок любителей археологии (1895–1917 гг.). – Ташкент, 1958. – С. 23.

Ўлка халқларининг турмуш тарзи, хўжалик анъаналари, урф-одат ва маросимлари, умуман кундалик ҳаётига доир дастлабки маълумотлар, илмий кузатишлар Россия империясининг даврий нашрларида ҳам бериб борилган. Жумладан, ўзбек ва рус тилларидаги “Ойна”, “Бухорои шариф”, “Турон”, “Садои Туркистон” ҳамда “Туркистон тўплами”, “Туркистон ахборотномаси”, “Туркистонда халқ хўжалиги”, “Ҳарбий фикр”, “Тошкент хабари”, “Ирригация ахборотномаси”, “Туркистон кишлоқ хўжалиги”, “Биринчи рус хабарномаси”, “Рус архиви”, “Нива”, “Янги сўз”, “Ўрта Осиё хабарномаси”, “Самарқанд вилояти маълумотномаси”, “Туркистонлик” каби журнал ва газеталарда чоп этилган мақолалар уларнинг асосийларини ташкил қилади⁹.

Мазмунига кўра ушбу тўплам ва журналларни адабий ва илмий гуруҳларга ажратиш мумкин. Гарчи, журналларнинг аксарияти адабий бўлса-да, уларда тарихий ва этнографик характердаги талайгина мақолалар ҳам чоп этиб борилган. Бу давр журналларида кўпроқ муассис ташкилотларнинг фаолияти ва манфаатлари ҳақидаги мақолалар нашр этиб борилган.

2. Россия империяси маъмурияти ўлка халқларининг иқтисодий фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган анъанавий хўжалик соҳаларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бунинг натижаси ўлароқ Г. Арандаренко, Н. Вирский, А. Шахназаров, К. Пален¹⁰ каби тадқиқотчилар ўлкада йилқичлик, қорақўлчилик, туячилик, кишлоқ хўжалиги, суғориш тизими, узумчилик каби хўжалик соҳаларини алоҳида мавзу сифатида тадқиқ этдилар.

Маълумки, Россия империяси Ўрта Осиёда асосан пахтачиликни ривожлантиришдан манфаатдор бўлганлиги учун ўлканинг табиати, хўжалиги, суғорма деҳқончилик истикболлари, аҳолининг хўжалик тажрибалари ва

⁹ Рауф Музаффарзода. Тупроқ надур // Садои Туркистон. – 1914. – №14; Ғўзанинг янги навлари // Туркистон вилоятининг газети. – 1885. – №3; Маев Н. А. Долина Сурхана // ТВ. – 1879. – №36. – С. 18–26; Арандаренко Г. Коневодство // ТВ. – 1881. – №9. – 67 с.; Скворцов А. Очерк овцеводства и козоводства в Туркестане // ТВ. – 1912. № 200–204; Семёнов А. По границам Бухары и Афганистан // Туркестанский сборник. Т. 554. – С. 1–14; Кастальский Б. Н. Историко-географический обзор Сурханской и Ширабадской долин // Вестник ирригации. – 1930. – №4. – С. 1–19; Гр. Андреев В. В Сариясинском бекстве // ТВ. – 1916. – №9; Ўша муаллиф. В Дехнавском бекстве // ТВ. – 1916. – №196, 200, 204; Первые русские ведомости. – Спб., 1855; Русский архив. Год 25-й 1887 издаваемы П. Баргеновым. – М., 1887. – 144 с.; Нива. Ежемесячные литературные приложения при журнале «Нива» на 1892–1894 гг. – Спб., Научное обозрение. Ежемесячный научно-общественный журнал. – 1894–1903; Новое слово. Ежемесячный научно литературный и политический журнал. 1894–1897; Среднеазиатский Вестник. Ежемесячный научно-литературный журнал. – Ташкент, 1896; Туркестанское сельское хозяйство. Ежемесячный журнал. Орган. Турк. Об-ва с/х. – Ташкент, 1906–1917; Средняя Азия. Ежемесячный литератур-историческое издание. – Туркестан, 1910–1911; Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд, 1893–1912; Обзор периодической печати о сопредельных с округом странах. 4-е Отделение. – Ташкент, 1911; Изд. Штаба Турк.воен.округ; Туркестанский земледелец. Илл. Двухнедельн. журнал. Изд-е Туркестанскимъ Обществомъ Сельского Хозяйства. – Ташкент, – 1915; Туркестанец. Профессиональный и общественно-литературный еженедельный журнал. Изд. I-й – 1918. Рус тилидаги асарларнинг аксарияти эски кирилл алифбосида ёзилган. Шу сабабли матбуот нашрларининг номлари ўша даврда қандай ёзилган бўлса, шу тарзда ҳавола қилинади.

¹⁰ Арандаренко Г. Коневодство // ТВ. – 1881. – №9. – 67 с.; Ўша муаллиф. Тонкоручное овцеводство в Туркестане // ТВ. – №280, –1910.; Ўша муаллиф. Разведение верблюдоводства в Средней Азии // ТВ. – 1911; Ўша муаллиф. Скотоводство в Зеравшанской долине. // ТВ. – 1880. – №34, 38, 46; // ТВ. – №117 – 1881. – №2, 3, 8, 9, 10, 12.; Вирский Н. Виноградство в Самаркандском уезде. – Самарканд, 1893. –102 с.; Шахназаров А. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – Спб., 1908 –512 с.; Пален К. Орошение в Туркестане (Отчёт по ревизии Туркестанского края). – Спб., 1910 – 693 с.; Ўша муаллиф. Поземельно-податное дело (Отчёт по ревизии Туркестанского края). – Спб., 1910 –390 с.; Ўша муаллиф. Материалы к характеристика народного хозяйства въ Туркестанъ (Отчёт по ревизии Туркестанского края). – Спб., Сенатская типография, 1911. Ч. I. Отд. II.

анъаналарини ўрганишга алоҳида эътибор қаратган ва бу борадаги изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Бироқ, бу асарларда келтирилган маълумотларга танқидий ёндашиб, уларни қиёсий таҳлил этиш орқали илмий истеъмолга киритиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотчилар ўз ишларида шаҳар аҳолиси хўжалик муносабатларини ҳам ўрганишга эътибор қаратган бўлиб, шаҳар аҳолисининг асосий анъанавий машғулоти ҳисобланган хунармандчилик маҳсулотларининг тури, ишлаб чиқариш имкониятлари ва жараёнлари юқори аҳамият касб этган.

Бу борада Ўрта Осиёдаги йирик хунар турларидан бири металл ишлаб чиқариш ва тўқувчилик бўйича Л. Костенко, Ўрта Осиёда ипакчилик, қоғоз тайёрлаш, гиламчилик, наMAT тайёрлаш, дурадгорлик, тери ошлаш ҳамда кулолчилик устахоналарининг тузилиши бўйича В. Развадовский, Тошкент шаҳрида тўқимачилик, астарчилик, заргарлик, чармгарлик соҳаларига бағишланган И. Гейер ва И. Назаровнинг, Сирдарё вилояти бўйича А. Скворцов, Фарғона водийси бўйича В. Юферов ҳамда Каттакўрғон уезди хунармандчилик ишлаб чиқаришига оид Ф. Поспеловларнинг тадқиқотлари¹¹ муҳим аҳамиятга эга деб айтиш мумкин.

Хунармандчиликнинг муҳим соҳаси ҳисобланган гиламдўзликни энг қадимги даврлардан бошлаб ўрганишга бағишланган А. Боголюбов ҳамда А. Фалькерзамнинг тадқиқотларида¹² Ўрта Осиё гиламчилигида қўлланиладиган хом ашё, турли гул ва нақшлар, гилам турлари ва номлари ҳамда жаҳонга машҳур туркман гиламлари ҳақида маълумотлар берилган. Бундан ташқари, хунармандчилик “рисола”ларига бағишланган Н. Петровский, П. Комаров, А. Самойлович, М. Гавриловлар ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз¹³.

Бу даврда тадқиқотчилар томонидан деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликнинг у ёки бу соҳасини ўрганилиши кўпроқ Россия империясининг ҳукмрон доиралари, мулкдорлар қатламининг айнан ушбу соҳаларга капитал киритиш мақсадлари билан боғлиқ эди. Шу сабабли рус матбуоти, илмий нашрлар, расмий ҳужжатларда ҳам ишлаб чиқариш, хўжалик, савдо муносабатларига доир маълумотлар кўплаб учрайди.

¹¹ Костенко Л. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – Спб., 1870. – С. 212–218; Ўша муаллиф. Туркестанский край. – Спб., 1880 – С. 63.; Развадовский В. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае // Туркестанское сельское хозяйство. – 1916. – №4–8; Гейер И., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. – Ташкент, 1903; Ўша муаллиф. Кустарное производство Средней Азии. – Ташкент, 1926; Скворцов А. Кустарные промыслы. // Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области. Т.4. – Ташкент, 1910; Юферов В. Хозяйство сартов Ферганской области. – Ташкент, 1911; Поспелов Ф. Кустарная промышленность в Каттакурганском уезде // Туркестанское сельское хозяйство. – 1912. – №8.

¹² Боголюбов А. Ковровые изделия Средней Азии. – Спб., 1908; Производство ковров в Туркестане // ТВ. – 1910. – №277; Фалькерзам А. Старинные ковры Средней Азии // «Старые годы». Ежемесячник для любителей искусства и старины. – 1914. Октябрь-декабрь.

¹³ Петровский И. О. Шелкоматание и шелкоткачество в Средней Азии / Приложение-туземное сказание о шелковичном черве. – Ташкент, 1873. – С. 1–10; Комаров П. Несколько слов о рисола. // Туркестанские ведомости. – Ташкент, 1901. №45; Гаврилов М. Рисоля сартовских ремесленников. – Ташкент, 1912; XX асрнинг 20- йилларида М. Ф. Гаврилов “рисола”ларни ўрганиш ишларини давом эттирган ва Ўрта Осиёда хунармандчиликнинг дастлабки цех-уюшмалари тўғрисида маълумотлар берган. Бу ҳақда қаранг: Гаврилов М. О ремесленных цехах Средней Азии и их статутах рисоля. // Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников страны, искусства и природы. Вып. III. – Ташкент, 1928. – С. 354–357.

Диссертациянинг “Совет даври тадқиқотларида ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги масалалари” деб номланган иккинчи бобида ўзбек халқи, умуман Ўрта Осиё халқлари хўжалик хусусиятларига доир 1920–1991-йилгача нашр этилган катта ҳажмдаги тарихий, этнографик ва археологик тадқиқотлар ҳамда статистик материаллар тарихшунослик нуқтаи назаридан тавсифланган.

XX асрнинг 20–30-йилларида этнографик тадқиқотларнинг ташкил этилишида малакали мутахассислар етишмаган бўлса-да, ўлка халқларининг хўжалик фаолиятига бағишланган бой этнографик материалларни ўз ичига олган қатор илмий-амалий тадқиқотлар юзага келди. Минтақа халқларининг деҳқончилик, суғориш, ер-сув муносабатлари, ерга жамоавий ишлов бериш анъаналари, ишлаб чиқариш қуроллари, жамоа хўжаликлари – колхозлар ташкил топиши муносабати билан улардаги ҳаёт тарзи ва фаолияти каби мавзулар тадқиқот объекти бўлди¹⁴.

XX асрнинг 20–30-йилларида ўзбек халқининг турмуш тарзи, маданияти ва анъаналарини ўрганиш учун муҳим бўлган бир қатор этнографик экспедициялар амалга оширила бошлади¹⁵. Тадқиқотлар географияси Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудини – Фарғона водийси, Тошкент, Зарафшон, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларини қамраб олди.

Марказий Осиё шароитида хунармандчилик маҳаллий халқларнинг хўжалик ҳаётида муҳим ўрин тутганлиги сабабли, этнографлар хунармандчилик ишлаб чиқариши масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. 1930-йилларнинг охирларида хунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланишига бағишланган махсус асарлар пайдо бўла бошлади. Жумладан, А. Миронов, А. Семёнов, О. Сухарева¹⁶ каби олимларнинг айнан хунармандчилик мавзусига бағишланган асарларини қайд этиш жоиз.

Совет ҳукуматининг Туркистон ўлкаси халқ хўжалигида ишлаб чиқаришни, косибчиликни ривожлантириш режалари Э. Рудзутак, Н. Василевский, П. Муравьев, А. Скворцов¹⁷ларнинг асарларида берилган. Бу даврда

¹⁴ Луниев Б. 20–30-йилларда Ўзбекистонда этнография масалаларининг ўрганилиши / XX асрнинг ўттизичинчи йилларида Ўзбекистонда тарих фани (Тарихшунослик очерклари). 2-қисм. – Тошкент, 1994. – Б. 309–327; Дониёров А. Ўзбекистон этнографияси тарихидан айрим лавҳалар (XX асрнинг 20–80-йиллари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.

¹⁵ Современный кишлак Средней Азии. Вып. II. Хорезм. Ханкинская волость. – Ташкент, 1926; Современный кишлак Средней Азии (социально-экономический очерк). Вып. 3. Китабская волость (Кашкадарьинской области Узбекской ССР) / Под ред. Карт Б. Б. и Сулова И. Е. – Ташкент, 1926.

¹⁶ Миронов А. Кустарная выработка шелковых изделий в Средней Азии в прошлом и настоящем // За реконструкцию шелководства. – 1931. – №3–4. – С. 38–46; Семенов А. А. Исторический очерк художественных ремесел Узбекистана // Литература и искусство Узбекистана. – Ташкент, 1937. – №4–5. – С. 112–129; Сухарева О. К истории развития Самаркандской декоративной вышивки // Литература и искусство Узбекистана. – Ташкент, 1937. – №6. – С. 119–134.

¹⁷ Рудзутак Э. Экономическое положение и экономическая политика в Туркестане // Народное хозяйство Туркестана. – 1920. – №3. – С. 1–110; Василевский Н. Кустарная промышленность // Народное хозяйство Туркестана. – 1920. – №9–10. – С. 37–42; Ўша муаллиф. Вхождение кустарей в профессиональные союзы промышленности // Народное хозяйство Туркестана. – 1920. – №9–10. – С. 13–15; Ўша муаллиф. Кустарная промышленность // Народное хозяйство Туркестана. – 1925. – №4. – С. 37–39; Муравьев П. Организация народного хозяйства и кустарная промышленность // Народное хозяйство Туркестана. – 1925. – №4. – С. 6–10; Скворцов А. Кустарные промыслы среднеазиатских республик в прошлом и настоящем // Народное хозяйство Туркестана. – 1925. – №10. – С. 71–83.

саноат соҳаси тарихи¹⁸, саноатлаштириш сиёсати¹⁹ бағишланган дастлабки илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилган бўлиб, унда ўлкада ишлаб чиқаришнинг саноатлашмаганлиги сабабли анъанавий ҳунармандчилик тармоқлари сақланиб қолганлигини таъкидланган.

XX асрнинг 20–30-йилларида Ўзбекистонда археология фанининг ўзига хос ривожланиш тенденцияси кузатилади. Тадқиқотчилардан В. Вяткин²⁰ – Афросиёб харобаси, Б. Денике²¹ – қадимги Термиз, М. Массон²² – Оҳангарон водийси, Айритом харобалари ва Қадимги Термиздаги қазилма ишларида қадимги давр аҳолисининг ҳўжалик ҳаётига доир муҳим топилмаларни ўргандилар. 1930-йилларда кенг кўламда қазилма ишларини А. Якубовский²³ Зарафшон водийсида, А. Окладников²⁴ Тешиктош ва Мачай ғорларида олиб бордилар. Бу борада Қуйи Амударё воҳасида суғориш тизими ва у билан боғлиқ халқ анъаналари В. Цинзерлинг²⁵ ишларида ёритилган.

1940–1950-йилларда археологик ва этнографик илмий экспедициялар ва ҳўжалик маданий типлар илмий концепциясининг яратилиши ва шу асосда анъанавий ҳўжалик масалаларининг ўрганилиши республикада ташкил этилган Тарих ва археология институти фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, К. Задикина, М. Сазонова, Т. Жданко, И. Жабборов, А. Содиқов ҳамда В. Батраков, М. Левин, Н. Чебоксаров²⁶ каби олимларнинг этнографик

¹⁸ Русак И. Промышленность Средней Азии в свете контрольный шифр на 1927–1928 год // Народное хозяйство Средней Азии. – 1927. – №8. – С. 73–123; Дурмашкина В. Промышленность Средней Азии за 10 лет // Народное хозяйство Средней Азии. – 1927. – №10–12. – С. 44–67; Иткин А. Кустарно-промысловая кооперация Средней Азии к концу 1926–1927 гг // Народное хозяйство Средней Азии. – 1927. – №10–12. – С. 105; Миронов А. Задачи текстильной промышленности в Средней Азии // Народное хозяйство Средней Азии. – 1929. – №12. – С. 48–55.

¹⁹ Сарабянов В. Итоги восстановленного периода. – М.: Л., 1927; Квириг Э. Очерки развития промышленности СССР. 1917–1927. – М., 1929; Лаврентьев В. Пути индустриализации Средней Азии. – Ташкент, 1929; Локшин Э. Промышленность СССР за 15 лет. – М., 1932; Дзевенский Г. Замечательные народные движения. // Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. – 1939. – №11–12.

²⁰ В. Л. Вяткин XVII аср ер мулк муносабатларига оид ҳужжатни ўрганишга ёрдам берган. Бу ҳақда қаранг: Вяткин В. Л. Афрасиёб-городище былого Самарканда. – Ташкент, 1927.

²¹ Денике Б. П. Искусство Средней Азии. Сборник статей. – М.: Центра, изд-во народов СССР, 1927. – 55 с.

²² Массон М. Е. Ахангаран. Археолого-топографический очерк. – Ташкент: Издательство Академии наук УзССР, 1953. – С. 61–62; Массон М. Е. Проблема изучения цистерн-сардоба. – Ташкент: Издательство комитета наук при СНК УзССР, 1935. – С. 14–15.

²³ Якубовский А. Образы старого Самарканда (Время Тимура) // Восток. Журнал литературы, науки и искусства. Книга пятая. – М.: Всемирная литература, 1925. – С. 140–163.

²⁴ Окладников А. П. Мустьерская стоянка в гроте Тешикташ в Узбекистане // Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях Института истории материальной культуры. – Вып. II. – 1939.

²⁵ Цинзерлинг В. Орошение в бассейне Амударья. – М., 1924; Ўша муаллиф. Орошение по Амударье. – М., 1927.

